# ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР
## кредит ҳисобига

***Мамлакатимизда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва оилани соғломлаштириш, ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, моддий -техника даражасини ошириш, тиббий кадрларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар қилинди.***

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Хива туманида «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича қишлоқ врачлик пунктларида янги тажриба механизмини ишлаб чиқиш, яъни аҳоли жон бошига қараб молиялаштириш тизими жорий этилмоқда. Ушбу йўналиш бўйича Жаҳон халқаро тинчлик ва тараққиёт банки томонидан қишлоқ шифо масканларини замонавий асбоб -ускуналар билан жиҳозлаш учун ҳар бир ҚВПга 15-20 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ёрдами берилди. Дастур бўйича ҚВПлардаги лаборатория, муолажа хоналарини таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Туманда ҳозир 15 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларда 105 минг 127 нафар аҳоли ўз саломатликларини кўрикдан ўтказмоқда. «Сиҳат -саломатлик йили» Давлат дастури бўйича бу йил «Феруз» жамоа хўжалигида яна битта ҚВП ишга туширилади.

Аёллар ва болаларни саломатликларини муҳофаза қилиш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда 14 ёшгача болалар сони 62 минг 215 нафар бўлиб, уларнинг 20 минг 156 нафари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган. 11 минг 640 нафар бола соғломлаштирилди. Туман болалар шифохонасини қайта таъмирлаш ниҳоясига етай деб қолди.

– Ҳашар йўли билан таъмирланаётган масканда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда , - дейди Марказий касалхона бош шифокори Қўшназар Назаров. -Жами сарфланган 81 миллион сўм маблағнинг 61 миллион 500 минг сўми ҳомийлар томонидан ажратилди.

Икки қаватли бино замонавий усулда таъмирдан чиқарилмоқда. Реанимация хонасининг замонавий, шовқин ўтказмайдиган дераза ва ойналари махсус буюртма асосида пойтахтдан келтирилди. Даволаш хоналари кафеллар билан қопланган. Бир сўз билан айтганда, шифохона ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради.

Туманда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, моддий-техника даражасини ошириш, ўз вақтида кўрсатиладиган тез тиббий ёрдамни таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилган бўлиб, уларга 6 та автомашина хизмат кўрсатмоқда. Марказ кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари билан тўлиқ таъминланган. Урганч тиббиёт институти филиалида малака ошириш курслари очилган бўлиб, хозирда у ерда тўрт нафар ходим ўз билимини оширмоқда. Келажакда оилавий поликлиника йўналишига ўтиш мўлжалланмоқда.

**А.ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚВП УЧУН 21 МИЛЛИОН СЎМ

***Узун Сурхондарё вилоятида нуфузли туманлардан бири ҳисобланади. Айни вақтда бу ерда эл саломатлиги йўлида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.***

*2005 йил -Сиҳат-саломатлик йили*

Марказий шифохона вилоятнинг энг кўзга кўринган шифохоналари қаторидан ўрин олган. Бу ерда 222 нафар ҳаким ва 1178 нафар ўрта тиббиёт ходимлари беморлар саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилмоқда. Шифохона ҳовлиси мисоли Эрам боғи дейсиз. Дид билан экилган минглаб туб мевали ва манзарали дарахтлар беморлар соғлигига яна бир малҳам вазифасини ўтамоқда. Айниқса шифохонанинг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек. Бўлимда барча қулайликлар яратилиб, у замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мазкур бўлим 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, тажрибали ҳакимлар ва ҳамширалар беморларга парвона.

- Беморларга нечоғлик ёрдам бераётганлигимиз, мушкулини осон қилганимиз билан фахрланамиз, - дейди биз билан суҳбатда шифохона бош ҳакими Сайдулло Раҳмонов. - Лекин, ҳар бир беморни чин юракдан даволаб, оилага қайтаришнинг ўзи бўлмайди.

Шифохонада ҳар бир ходимнинг ўзи, оиласи ҳисобда. Уларнинг соғликларини тиклаш учун шарт-шароитлар яратилган. Кўп фарзандли оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам берилмоқда. Бўлиб ўтадиган ҳар бир байрамда дастурхон ёзиб, ходимларга совға-салом улашиш касаба уюшма қўмитасининг асосий иш мезонига айланган. Айниқса шифокорларни касб байрамини тантанали равишда ўтказиб, уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятнинг Бандихон туманида тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишганимизда, бу ерда ҳам талайгина ибратли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, ўтган йили Марказий шифохонанинг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилган экан. Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳадя этилган янги қимматбаҳо кондиционер даволанадиган беморлар учун қулайлик яратган. Туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи билан суҳбатимиз чоғида олис қишлоқ жойларида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик. Унинг таъкидлашича, ҳудудда 8 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та амбулатория фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили "Мустақилликнинг 10 йиллиги" фермерлар уюшмаси ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти таъмирланиб, ишга туширилган. Мазкур қурилишга 21 миллион сўм маблағ сарфланди.

**А.РАҲМОНОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

# ИШЛОВЧИЛАР МУРОЖААТИ
## ИЖОБИЙ ЯКУН ТОПДИ

***Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари Фарғона вилоят вакиллигида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга берилган имтиёзларни кафолатлаш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Жамоа шартномаларига киритилган бандларни бажарилиши натижасида тармоқдаги ҳар бир ходимга сарфланган маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда.***

Биргина вилоятдаги «Ўзкимёсаноат» корхоналарида ўтган йили овқатланиш харажатларини қоплаш учун 25 миллион сўмдан ошиқ, қишки мавсумга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишга қарийб 5 миллион, таътилга чиқувчиларга 668 миллион, иш стажлари учун қўшимча тўловлар, шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг харажатларини қоплаш учун 65,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Қўқон механика заводи, Риштон шуъба корхонаси, Фарғона, Қўқоннефтбаза унитар корхоналарида аёллар учун иш куни бир соатга қисқартирилди. Чимён ремонт механика заводи, «Қўқонспирт» ОАЖларда ҳомиладор аёлларга белгиланган муддатлардан олдин туғиш таътилларига чиқариш йўлга қўйилган.

Лекин жамоа шартномаларининг иш ҳақини вақтида бериш банди кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Ҳисобот даврида ана шундай корхона, ташкилот раҳбарларига 374 та эътирознома юборилди. Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи ва Фарғона илмий-текшириш институтидаги иш ҳақидан қарздорлик бўйича фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Меҳнатда жароҳат олган ёки вафот этганларнинг оилаларига етказилган зарарни қоплаш, товон пулларини вақтида ундириб бериш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда тармоқда 61 та бахтсиз ҳодиса рўй берди, уларда 77 ходим жароҳатланди. Шу билан бирга 8 та бахтсиз ҳодисада 10 киши ҳаётдан кўз юмди. Бундай ҳоллар асосан йўл қўйилган камчиликлар туфайли юзага келган. Энг ачинарлиси, касаба уюшма фаоллари бу ҳолларни баъзан кўриб-кўрмасликка олиб, масъул шахсларни жавобгарликдан соқит қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида вилоят қўмитасига тушган 76 та ёзма аризанинг 63 таси, 243 та оғзаки шикоятларнинг 228 таси ижобий ҳал этилди. Вакиллик томонидан кам даромадли, меҳр-мурувватга муҳтожларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида шу мақсадлар учун 1 миллион 114 минг сўм маблағ сарфланди. Жамоадаги кам таъминланган оила фарзандларига янги ўқув йили олдидан 6 миллион 390 минг сўмлик мактаб формалари олиб берилди. «Қўқонспирт» ОАЖда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанди бор 18 оилага энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оила фарзандларига 30 миллион сўмлик ўқув қуроллари улашилди. Вакиллик томонидан 12 нафар кам таъминланган оила фарзандларига оромгоҳларга бепул йўлланмалар тарқатилди.

Бугунги кунда тармоқда «Нефтчи», «Химик» спорт комплекслари, 5 та спорт зали, 5 та стадион, 2 та бассейн, 30 та спорт майдонлари ишлаб турибди. Уларда 4205 нафар ходим спорт билан шуғулланмоқда.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ТАШАББУС СЎНМАСИН

Янгиер шаҳрида омилкор, ташаббускор кишилар кўп. Улардан бири Эркиной Мамажоновадир. Тадбиркор аёл «Бикажон» хусусий фирмасини ташкил этиб, 30 нафар қизга бичиш-тикиш, зардўзлик, гулбосиш каби ҳунарларни қунт билан ўргатмоқда. Айниқса, ажойиб пардалар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги кўпчиликни хушнуд этди.

– Ҳунарли хор бўлмас, деган нақл қанчалик ҳаётий эканлигига чуқур ишонч ҳосил қилдик, - дейди мураббий Э.Мамажонова. – Онам раҳматли қўли гул, бир неча касбнинг эгаси эди. Умрининг охиригача изланиб, янгиликлар жорий этди. Ажойиб ҳунарманд сифатида эл оғзига тушди. Эндиликда оиламиз анъанасини давом эттириб, шогирдлар сонини кўпайтириб боряпман. Меҳнат туфайли қадр топдим. Жумладан, вилоят миқёсида бўлиб ўтган кўрик-танловда «Энг яхши ҳунарманд аёл» номинациясини қўлга киритдим. Мукофот тариқасида «Чортоқ» санаторийсига оилавий йўлланма беришди. Орзуим ҳар томонлама қулай ва шинам цехлар қуриш, маҳсулот турини кўпайтиришдир.

* * *

Муборак туманидаги «Саратон» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасига ўз касбининг устаси Сайдулло Мусулмонов моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Фирма дастлабки кезлар енгил автомашиналарни таъмирлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлса, эндиликда хизмат тури кўпайди, янги иш ўринлари яратилди. Туман аҳолисига компьютер ва полиграфия хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди.

**Ш.ИСКАНДАРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙ ОРОМГОҲЛАРИ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёшларни оммавий спорт турларига янада кенгроқ жалб этиш ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир.***

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида болаларнинг ёзги спорт-соғломлаштириш дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишлаб ташкил этган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали директори Асқар Толибжоновнинг айтишича, пойтахтимиздаги мавжуд мактаб, қўшимча таълим масканлари, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда сабоқ олаётган 190 мингдан зиёд ўғил-қиз ўзи танлаган спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Айниқса, қизларни спортга кенгроқ жалб этиш мақсадида спортнинг енгил атлетика, бадиий гимнастика, сузиш ва синхрон сузиш турларини ривожлантиришга катта аҳамият берилялти.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантириш борасидаги тадбирлар кўлами янада кенгаймоқда. Жойлардаги ўқув ва мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалар, меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган спорт тадбирларига жалб этилаётган болалар сони тобора ортмоқда.

Айни пайтда шаҳарда ёзги таътил даврида болаларни спорт-соғломлаштириш муассасаларига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шаҳардаги «Лочин», «Трамвайчи», «Гулбаҳор» ёзги оромгоҳларида ўқувчи ёшларни қабул қилишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Бундан ташқари, 26 та мактабда, тўққизта касб-ҳунар коллежи ва лицейда ёзги оромгоҳлар ташкил этиш режалаштирилган.

**(ЎзА)**

*Бугунги кунда мамлакатимизда автомагистралларни кенгайтириш, таъмирлаш, сақлаш ва янгиларини барпо этиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунёдкорлик ишларини бажаришда кўплаб соҳа ташкилотлари қатори Сирдарё магистрал йўллар бошқармаси йўлсозлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.*



# ЙЎЛСОЗЛАР



*Айни пайтда «Гулистон-Гагарин» йўлидаги қурилиш ишларида меҳнат қилаётган йўлсозларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бунёд этилаётган иншоотга қум, шағал ва бошқа қурилиш материалларини ташиб келтириш, асфальт-бетон ётқизиш ишлари аниқ режа асосида олиб боріляпти.*

*Эътиборли томони, бу ерда йўлсозлар учун муайян шароитлар яратилган. Ишга келиб-кетиш учун автобуслар ажратилган. Ходимлар иссиқ овқат билан таъминланган. Муҳими, йўл қуришнинг ўзига яраша машаққатини ҳис этган йўлсозлар аввало, йўлнинг дастлабки қисмини пухта тайёрлашга ҳамда сифатли қилиб асфальт ётқизишга эришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иш унуми ва сифатини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.*



**Суратларда: бошқарма йўлсозлари иш фаолиятидан лавҳалар.**

# "ИЖТИМОИЙ РАҒБАТ" МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

***Тўқсон мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳам ҳисобот-сайлов конференцияларидан сўнг том маънодаги янгиланишлар томон юз тутмоқда. Ҳар жабҳада ривожланиш сари шиддат билан бораётган бугунги кунда жамият ва давлат тараққиёти билан ҳамнафас, узвий боғликликда иш юритиш замон талаби. Зеро, меҳнаткашларнинг онги, турмуш тарзи ўзгараётган бир пайтда касаба уюшмаси ислоҳотларнинг олдинги сафида бўлмоғи лозим.***

"2004 - 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат Умуммиллий Дастури"нинг қабул қилинганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги қарорлари соҳа ходимлари учун айни муддао бўлди. Дастурда бир қатор муҳим қирралар ўз аксини топганки, бу йўналишлар тармоқ касаба уюшмасининг асосий вазифалари билан ҳамоҳангдир.

Дастур доирасида ўқитувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, жамоатчиликни янада фаоллаштириш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши яна бир ташаббусни амалга оширмоқда. Ўқитувчилар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ижтимоий рағбат" мукофоти таъсис этилди. Мазкур мукофот ижодкор, изланувчан, айни вақтда ижтимоий жиҳатдан муҳтожларга бериб борилади. Бу ўз навбатида устозларни улуғлаш, улар меҳнатини эъзозлаш тармоқ касаба уюшмасининг эзгу мақсади эканлигидан далолат.

# МАҚСАД—ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

***Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида таълим муассасалари раҳбар кадрлари учун «Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларини бошқариш ва таълим сифатини таъминлаш» мавзусида семинар—тренинг бўлиб ўтди.***

Мазкур семинар-тренинг Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган дастур асосида ўтказилди.

Семинарда вилоятдаги мавжуд касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар билан бир қаторда олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳам ўз маърузалари, таклиф ҳамда мулоҳазалари билан иштирок этишди, — дейди вилоят ўрта махсус касб ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Баҳодир Собиров. –Семинар мавзуларини ёритишда ҳар бир машғулотни техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши таъминланди.

Анжуманда Олий ўқув юртлари билан коллежлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иш берувчилар билан коллежлар ҳамкорлигини яхшилаш, янги педагогик технологиядан фойдаланиш, касб-ҳунар коллежлари раҳбар-кадрларининг молиявий ва ҳуқуқий билимларини ошириш каби муҳим жиҳатлар малакали мутахассислар иштирокида чуқур таҳлил қилинди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

*«Туркистон-пресс»*

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА...

***Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётган мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Бош Қомусимизда қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилган. Фидокор кишиларимиз ўзларига яратилаётган имконият, имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда турли жабҳаларда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Бироқ, оз бўлсада баъзи ўринларда амалдаги қонунларни четлаб ўтиш, унга риоя этмаслик каби ҳолатлар учрамоқда. Бунинг натижасида адолат тамойиллари бузилмоқда. Кимлардир азият чекиб, ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун ойлар мобайнида овораю сарсон бўлмоқда. Қуйидаги воқеа бунга мисол бўла олади.***

Термизлик Зумрад Омонова, Зуҳра Кушанова, Гулчеҳра Бердимуродова узоқ йиллардан буён 8- ва 14-сонли боғча-мактаб директори ҳамда 10-сон боғча мудираси вазифаларида ишлаб келдилар. Ўз касбини жон-дилдан севган, етарли билим ва тажрибага эга бўлган бу аёллар ҳаётида кутилмаган воқеа рўй берди. Ҳаммаси туман ҳокими А.Файзиев, унинг муовини А.Камолиддинов, туман халқ таълими бўлими мудири С.Иноятова таълим-тарбия масканларини кўздан кечириш учун уч аёл етакчилик қилаётган муассасаларда бўлган кундан бошланди.

Дастлаб туман раҳбарлари З.Омонова етакчилигидаги боғча-мактабга ташриф буюришди. Бу ердаги аҳвол, тартиб-интизом ҳамда ишнинг йўлга қўйилиши билан атрофлича танишишди. Таажжубки, туман раҳбари жамоа учун экилган картошкани кўриб ғоятда ажабланди. «Буни шахсий манфаат учун қилгансизлар, бир ерда кўп ишлаб қолибсиз» қабилидаги баҳоналар билан директорга ўз хоҳиши билан ишдан бўшашини айтади. Шу куни қистовга олинган Омонова уларнинг талабини қондиришдан ўзга чора тополмайди.

Туман раҳбарлари энди З.Кушанова директор бўлган боғча-мактабга борадилар. Бир қарашда иш рисоладагидек кетаётганди. Лекин уларга ён-атрофда аҳоли томонидан қурилган молхоналар ёқмай қолиб, директорни ишдан бўшатишади. 10-сон боғча мудираси Г.Бердимуродова фаолиятига ҳам бир томонлама ёндошилиб, ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш таклиф этилади...

Ҳақ-ҳуқуқи чекланган учала халқ таълими фидойиси адолатни тиклашда ёрдам сўраб Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари тармоқ кенгашига мурожаат қиладилар. Тажрибали мутахассислар ишга киришади. Шундан сўнг уч аёл туман халқ таълими бўлими мудири номига хат йўллаб, ишдан бўшаш тўғрисидаги аризани қайтариб беришни сўрайдилар. Бироқ, мудира турли баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмайди. Кутилмаганда Термиз туман халқ таълими бўлимининг буйруқлари чиқарилиб, уч раҳбар аёл ишдан бўшатилади. Қизиғи шундаки, баъзи идораларнинг мутасаддиларига маслаҳат, ёрдам сўраб мурожаат этишганида улар:раҳбар майлига қарши борманг, барибир ютқизасиз, дейишдан нарига ўтишмайди. Кимлардир сиз ҳақсиз, ишдан нотўғри бўшатилгансиз, дейишади-ю, амалий ёрдамдан дарак бўлмайди.

Орадан ойлар ўтди. Бу иш фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судида кўрилди. Охирги суд 2005 йилнинг март ойида бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди ҳал қилув қарори билан аёлларни ўз вазифаларига тиклади. Қарангки, шунда ҳам Термиз туман халқ таълими бўлими мутасаддилари суд қарорини тан олмай уч раҳбар кадрни яна қайсидир идора ва ташкилотларнинг эшигида сарғайишларига сабабчи бўлмоқда. Бу муаммоли масала наҳотки бир йилдан буён ўз ечимини топмаса...

**А.САФАРОВ,**
**Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси**

*Касаба уюшма тадбири*

***Жиззах вилоят «Электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти тизимида 1250 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Тармоқ касаба уюшмаси фаоллиги туфайли спорт ишлари анча жонланиб бормоқда. Бунда жамоа шартномасининг «Спорт ва соғломлаштириш» бўлимида акс этган бандлар амалиётга жорий этилаётгани эътиборлидир. Анъанавий спартакиаданинг мунтазам ўтказиб борилиши спортга бўлган қизиқувчилар сафининг ортиб боришига хизмат қилаётир. Соҳа ходимларининг навбатдаги анъанавий спартакиадаси Жиззах Олимпия захиралари коллежи тренажёр биноларида бўлиб ўтди. Унда Жиззах шаҳрида ва барча туманлардаги электр тармоқлари идораларининг 15 та жамоасидан 180 дан зиёд спорт ихлосмандлари қатнашиб, ўзаро беллашдилар.***

# ОММАВИЙЛИК ОРТМОҚДА

Спортнинг беш тури – катта теннис, волейбол, масофага югуриш, шахмат, шашка бўйича ўтказилган мусобақаларни республика тоифасидаги тажрибали ҳакамлар – О.Раҳимов, О.Ҳазратқулов, Ш.Йўлдошевлар бошқариб боришди.

– Тизимда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини Ёшлар ташкил қилади, - дейди республика Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, геология ходимлари касаба уюшма марказий Кенгашининг Жиззах вилоят вакили Илҳом Ўринов. –Мақсадимиз – уларнинг бошини бириктириб, анъанавий спорт мусобақаларига жалб қилиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Бунинг учун жойларда ҳам спорт оммавийлигига эришишга ҳаракат қилаяпмиз. Айниқса, бу борада Мирзачўл, Зарбдор, Ғаллаорол, Зомин туманларида эътибор яхшиланиб бораётгани қувонарли ҳол.

Волейбол бўйича беллашувда Мирзачўл туман юқори кучланишли электр хизмати жамоаси биринчи, Зарбдор туман электр тармоқлари жамоаси иккинчи, Зомин туман электр тармоқлари жамоаси учинчи ўринни эгаллашган бўлишса, катта теннисда арнасойлик Д.Фозилов, форишлик О.Муқимов, вилоят электр тармоқлари идорасидан В.Маршаковларнинг қўли баланд келди.

Узунликка югуриш бўйича Жиззах туманидан Жасур Бекмуродов 100 метрлик масофани 13,4 секундда босиб ўтиб ғолиб бўлган бўлса, зарбдорлик Х.Умаров, ғаллаороллик Ў.Қурбоновлар фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

Шахмат мусобақаларида Ғаллаорол, Жиззах ва Пахтакор тумани вакиллари фахрли ўринларни эгаллашди.

Мусобақада иштирок этган шашкачилар баҳси ҳам ғоят қизиқарли ва шиддатли тарзда ўтди. Ҳакамлар эътирофича, ғаллаороллик Х.Холмуродов биринчи, зафарободлик И.Шарипов иккинчи, зарбдорлик У.Олмонов учинчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Шу ўринда спартакиада иштирокчилари фикрига қулоқ тутамиз.

Олим Раҳимов, республика тоифасидаги ҳакам, мусобақа назоратчиси:

– Енгил атлетиканинг масофага югуриш тури оммалашаётганидан мамнунман. Бу галги 100 метрга югуриш баҳслари қизғин беллашув билан ўтди. Ниятим, келгусида масофа узунлигини янада оширишга эришиш.

Бахтиёр Бобоёров, Дўстлик туман электр тармоқлари идораси ходими, волейболчи:

– Ҳар йили бу анъанавий спорт байрамида қатнашиб келаман. Спорт билан доимий шуғулланишим менга янгича ғайрат-шижоат бағишлаб, ишимда унум бўлишини таъминлаяпти. Спорт доимий ҳамроҳим бўлиб қолганидан мамнунман.

Спартакиада ғолиблари "Жиззах вилоят электр тармоқлари" маъмурияти ва республика тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши вилоят вакиллигининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИ

## илк маротаба Ўзбекистонда ўтказилди

Ўзбекистон – спорт мамлакати. Ушбу эътироф бугун том маънода ўз тасдиғини топмоқда. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида халқаро мусобақаларнинг ташкил этилиши, жаҳон ареналарида юксак натижаларни қўлга киритиб, шода-шода медаллар соҳибига айланган довруғли спорт юлдузларининг ҳамюртларимиз билан бўлган беллашувлардан сўнг илиқ ва самимий эътирофларини ҳаяжонланмай, фахр-ифтихор ҳисларидан жунбушга келмай тинглаб бўларканми?

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ниҳоясига етган дзюдо бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Осиё чемпионати ҳам юқорида зикр этилган эътирофнинг аксадоси сифатида тасаввур уйғотди. Қитъамизнинг 27 мамлакатидан келган 220 нафар спортчи кўҳна Шарқ яккакурашининг яна бир ажойиб намунаси қай даражада пухта эгалланганлигини исботлаш учун қўлидан келган барча ишни қилди.

– Ушбу нуфузли мусобақага астойдил тайёргарлик кўрилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим, - деди Осиё дзюдо уюшмаси президенти Йошинори Такеучи. – Бу, бир томондан, мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан дзюдо ривожланиши учун катта эътибор қаратилаётганини англатса, иккинчи томондан, ушбу чемпионат Ўзбекистонда янги-янги истеъдодларнинг етишиб чиқишига ўзига хос туртки бўлади.

Беллашувлар, кутилганидек ўта murosасиз тарзда ўтди. Кўплаб олишувларда қўшимча вақт белгиланиши ҳам буни тасдиқлайди. Барча ўзининг устунлигини намойиш этишга интилди. Спортда «омад кучлиларга кулиб боқади» деган нақл бор. Аслида ҳам шундай. Аммо баъзи-баъзида тасодифлар ҳам юз бериб туради. Жумладан, вакилларимиз Санжар Зокиров (60 кг), Сергей Петрянин (66 кг), Эгамназар Акбаров (73 кг)ларнинг мағлубиятига бошқача изоҳ топиш қийин. Хусусан, касаба уюшмалари спортчиси Эгамназар ушбу



чемпионатга жиддий ҳозирлик кўрганлигидан яхши хабардор бўлганлигим учун ҳам шу сўзларни айтмоқдаман.

Қолаверса, вакилларимизнинг қуръага кўра дастлабки олишувлардаёқ кунчиқар мамлакати дзюдочиларига рўпара келиб қолганлиги ҳам кўрсатилажак натижаларга салбий таъсир этди. Нимчорак ва чорак финал баҳсларида япон курашчилари билан олишган Лазиз Йўлдошев ва Ўткир Саломовлар аввалига мағлубиятга учраган бўлсалар-да, медаллар учун курашни тўхтатмадилар.

Кези келганда спортчиларимиз битта олтин ва тўртта бронза медалига сазовор бўлганликларини мамнуният билан айтишимиз лозим.

*Дзюдо*

Айниқса, хотин-қизлар ўртасида баҳс юритган Мария Шекерованинг 78 килограммдан оғир вазнли спортчилар беллашуви ҳамда мутлақ вазн тоифасида иккита бронза медалини қўлга киритганини ҳар қанча олқишласак арзийди.

Жаҳон биринчилиги, Осиё чемпионати ва жаҳон универсиадаси совриндори Абдулла Тангриевнинг чиқишларини бутун Ўзбекистон зўр интиқлик билан кузатди, десак муболаға бўлмас. Ва у барчамизнинг ишончимизни оқлади. Финалга етгунга қадар қатарлик Юсуф Алиназий, эронлик Мотаз Халлак, қозоғистонлик Вячеслав Бердутоларни мағлуб этган номдор полвонимиз финалда япониялик жаҳон чемпиони Хироаки Такахаши билан сўнгги, ҳал қилувчи баҳсга чиқди. Натижа қандай бўларкин? Мухлислар ўз саволларига тезда жавоб олишди. Абдулла бир дақиқаю 54 сонияда «иппон» баҳосига тортадиган усулни қўллаб, соф ғалабага эришди.

Ушбу чемпионатга Япония термаси ғоят пухта тайёргарлик билан келганлигини кўрсатди. Аёллар ўртасида Мика Сугимото, Сае Наказава, Мина Ватанабе, Йошие Уоне, Сикуми Танако, эркаклар ўртасида Такаши Оно, Сеито Саито олтин медал соҳибига айландилар. Хитой, Мўғилистон, Эрон, Жанубий ва Шимолий Корея спортчиларининг маҳорати ҳам муносиб баҳоланди.

Ҳар бир халқаро турнир ёш спортчилар учун ўзига хос мактаб. Дзюдо бўйича қитъа чемпионати ҳам мустасно эмас. Беллашувлар ёзиб олинган тасмалар мураббийлар учун машғулотлар тарзида асқотиши ҳам бор гап. Шубҳа йўқки, келгуси халқаро мусобақаларда ютуқларимиз янада салмоқли бўлади.

**Ҳусниддин МИРЗАЕВ,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари**

*«Баркамол авлод» спорт ўйинлари арафасида*

***2003 йили Андижон вилоятида ўтказилган мусобақаларда талабаларимиз 13 та олтин ҳамда 47 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашган ҳамда Президентимиз совғаси - «Тико» автомашинаси билан тақдирланган эди. Бу ютуқларда айниқса, Марғилон педагогика ҳамда иқтисодиёт, Фарғона машинасозлик, Қўқон педагогика, Қиргули электротехника, Аввал маиший хизмат ва Заркент агросаноат касб-ҳунар коллежлари талабаларининг ҳиссаси катта бўлганди.***

# ПУХТА ҲОЗИРЛИК - ҒОЛИБЛИККА КАФОЛАТ

Яқин кунларда Тошкент вилояти спорт майдонларида бошланадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига ҳудудий бошқармамиз тасарруфидаги ўқув юртларида пухта ҳозирлик кўрилди. Ўтган йили 6 та спорт зали, 3 та мини футбол, 7 та волейбол, 6 та баскетбол, 3 та қўл тўпи, 2 та енгил атлетика майдонлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада ривожлантириш, янги жиҳозлар билан таъминлаш, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш мақсадида бошқарма томонидан 17 хилдан иборат 30 миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва анжомлари харид қилинди. Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежи моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида эса 47 миллион сўмликдан зиёд спорт ускуна-анжомлари ва тренажёрлар олиб ўрнатилди. Вилоят терма жамоалари таркибини кучайтириш учун ўқув юртларига ўнлаб кучли ва иқтидорли спортчилар ўқишга қабул қилинди.

Ўтган йили талабалар ўртасида «Баркамол авлод» мусобақаларининг вилоят миқёсидаги беллашувлари 14 та спорт тури бўйича ўтказилди. Беллашувларнинг биринчи босқичида 55 минг 470 нафар, иккинчи босқичида 10 минг 100 нафар ва учинчи финал босқичида 1 минг 100 нафардан ортиқ спортчи ёшлар иштирок этди. Вакилларимиз бундан ташқари Тошкент, Бухоро шаҳарларида енгил атлектика бўйича мамлакат биринчилигида, кураш бўйича Шаҳрисабзда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида, қўл тўпи бўйича Андижон шаҳрида ўтказилган республика кубоги турнирида, шунингдек, сузиш ва енгил атлетика бўйича ташкил қилинган республика биринчилиги баҳсларида қатнашиб, маҳоратларини тоблашди.

Машғулотлар ўтиш учун вилоятимизда фаолият кўрсатаётган республика, Осиё, жаҳон миқёсида хизмат кўрсатган 18 нафар юқори малакали мураббий жалб қилинган бўлиб, ҳозирги кунда спортчи ёшлар билан махсус тайёргарлик машғулотлари олиб борилмоқда.

Умид қиламизки, спортчи ёшларимиз бу галги мусобақаларда ҳам вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга киритишади.

**Ж.ҒОФУРОВ,**
**Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**



***Ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб вояга етишларида спорт беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга юксак эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, бу ўта масъулиятли ва хайрли ишга касаба уюшма спорти жонкуярлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.***

# ИҚТИДОРЛИ ШОГИРДЛАР

## мураббий ишончини оқламоқда

Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 4-БЎСМ асосан миллий спорт турларига ихтисослашган. Спорт мактабида миллий ва белбоғ курашлари ҳамда Турон яккакураши бўйича машғулотлар олиб борилади. Шу билан бирга бу ерда энг оммавий спорт турлари ҳисобланган таэквандо, юнон-рум ва эркин курашга ҳам катта эътибор қаратилган.

– Айни пайтда спорт мактабимизда 700 нафарга яқин ёшлар жисмоний чиниқиб, маҳоратларини оширишяпти, – дейди БЎСМ директори Акром Шердонаев. – Уларга 16 нафар юксак малакага эга мураббийлар спорт сирларидан сабоқ беришмоқда. Қувонарлиси, меҳнатларимиз зое кетмаётир. Шогирдларимиз турли миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам спорт мактаби тарбияланувчилари қўлга киритаётган ютуқлар мақтовга сазовор. Масалан, ўтган йили БЎСМ ёш спортчисига мусобақаларда муваффақиятли қатнашгани учун халқаро тоифадаги спорт устаси унвони берилди. 5 нафар спорт устаси, 40 нафар усталикка номзод ва 32 нафар биринчи разрядли спортчилар тайёрланди. Шунингдек, спорт мактабининг 2 нафар битирувчиси Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтига, 6 нафари Республика Олимпия захиралари коллежига ўқишга имтиёзли қабул қилинди. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида эса 2 нафар спорт устаси, 8 нафар усталикка номзод ва 13 нафар биринчи разрядли спортчилар етишиб чиқди. Бундай муваффақиятларга эришишда Қамариддин Турсунов (белбоғ кураши), Альберт Шарипов, Нурлан Жаксаликов (эркин кураш), Умар Зуфаров (миллий кураш), Инна Ли (таэквандо), Валерий Цой (юнон-рум кураши), Дилшод Усмонов ва Бахтиёр Ҳидоятов (Турон яккакураши) сингари мураббийларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Чунки айни шу мураббийларнинг иқтидорли шогирдлари республика ва халқаро нуфуздаги қатор беллашувларда зафар қучдилар.

Албатта, ютуқлар, ғалабалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Унинг замирида аввало, мураббий ва шогирдлар меҳнати, изланиши, интилиши ётади. Қолаверса, тез-тез мусобақаларда қатнашиб, маҳоратни сайқаллаштириш ҳам ёш спортчини шоҳсупа сари етаклайди. Ўтган йили улар 4 марта БЎСМ очиқ биринчилигида, 9 марта вилоят ва республика чемпионатларида, 2 марта халқаро мусобақада иштирок этиб, маҳоратларини оширишди.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Турон яккакурашини оммалаштириш, ривожлантириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Ушбу миллий спорт тури бўйича мунтазам равишда машғулотлар олиб борилмоқда. Бу машғулотларга имкон қадар кўпроқ ёшларни жалб қилишга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, Турон яккакураши бўйича турли қизиқарли мусобақалар ташкил этилмоқда. Ана шундай беллашувлардан бири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди. «Соғлом бўлиб ўсайлик!» шиори остида ташкил қилинган ушбу вилоят очиқ биринчилигида 300 нафарга яқин ёш турончилар қатнашди. Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилган мусобақада БЎСМ ёш спортчилари кўтаринки кайфиятда қатнашиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Умуман олганда, БЎСМ мураббийлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимлари, турли спорт федерациялари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпти. Бунинг самараси ўлароқ, спорт мактабининг ёш турончилари ҳатто халқаро мусобақаларда бирин-кетин зафар қучишмоқда. Чунончи, халқаро турнирлар ғолиби Файзулла Раҳимовнинг ўтган йили «2004 йилнинг энг яхши спортчиси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилиши ҳам БЎСМ мураббийлари меҳнатининг юксак эътирофи бўлди.

**К.ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# УЙҒУНЛИК

Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ҳар бир қадам хайрлидир. Айниқса, оммавий спорт тадбирлари ишчи-ходимлар соғлиғини тиклашда муҳим рол ўйнайди.

Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича Вакиллиги Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган «Саломатлик-VII» спартакиадаси ҳамда бадиий ҳаваскорлик бўйича бешинчи кўрик-танловини ўтказди.

Ушбу тадбирда Тошкент вилояти газ корхонасига қарашли Бекобод, Чиноз, Қибрай, Чирчиқ шаҳарларидан, «Тошвилоятсувоқава», «Тошвилоятиссиқликманбаи» корхоналарига қарашли Олмалиқ, Янгийўл ва Ангрен шаҳарларидан 140 нафар ишчи-ходимлар иштирок этдилар.

Оммавийликка хизмат қилувчи бу тадбирда волейбол бўйича биринчи ўрин «Тошвилоятгаз» корхонасига насиб этди. Иккинчи ўрин Чирчиқ «Сувоқава» корхонасига, кейинги ўрин «Ғунча» акционерлик жамиятига насиб этди. Стол тенниси бўйича ғолиблик Янгийўл «Сувоқава», иккинчи ўрин «Ангренсаноатқалинқоғозсавдо» акционерлик жамиятига, кейинги ўрин Чирчиқ «Иссиқлик манбаи» вакилларига насиб этди. Умумжамоа ҳисобида Тошвилоят «Сувоқава» бошқармаси ғолибликни қўлга киритди.

Бадиий ҳаваскорлик бўйича кўрик-танлов ҳам кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

**С.ЭГАМБЕРДИЕВ**

*Футбол-тест*

# КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Машҳур «Сан-Сиро» стадионига қанча томошабин сиғади?**
A) 85.700
B) 100.000
C) 65.000
D) 92.000

**2. Ўтмишнинг машҳур футболчиси, айни вақтда эса ўз мамлакати президенти бўлишни хоҳлаётган африкалик. Унинг кимлигини топинг.**
A) Фламен Масенга
B) Нванкво Кану
C) Жорж Веа
D) Тўғри жавоб йўқ.

3. «Қора кийимлилар» ибораси футболда кимларга нисбатан ишлатилади?
A) Дарбозабонларга
B) Билмадим
C) Мураббийларга
D) Ҳакамларга

**4. «Гулбаҳор», «Севинч», «Медия», «Ёшлик»... Бу номлар футболни қайси турига мансуб?**
A) Аёллар футболига
B) Мини футболга
C) Футзалга
D) Футболга тегишли эмас

**5. Хитой суперлигасида нечта жамоа қатнашишини биласизми?**
A) 16 та
B) 20 та
C) 12 та
D) 15 та

**6. Мамлакатимизда нашр этиладиган футбол нашрини топинг.**
A) «Sport-bol»
B) «Ўзбекистон футболи»
C) «Миллионлар ўйини»
D) «World Soccer»

**7. Миллий терма жамоамиз энг кўп қайси юрт футболчилари билан учрашган?**
A) Ироқ м.т.ж
B) Тожикистон м.т.ж
C) Туркманистон м.т.ж
D) Озарбайжон м.т.ж

**8. Жаҳон футболи тарихида бир футболчи турли йилларда Чехословакия (собиқ), Венгрия ва Испания терма жамоаларида тўп сурган. Унинг кимлигини топишга уриниб кўринг.**
A) Ференц Пушкаш
B) Ладислав Кубало
C) Алфредо ди Стефано
D) Франц Вальтер

**9. Миллий чемпионатимиз олтин медалларини энг кўп қўлга киритган мураббий ким?**
A) Тачмурод Агамуродов
B) Юрий Саркисян
C) Баҳром Ҳакимов
D) Виктор Жалилов

**10. Ўтган йили «Олтин тўп» совринини қайси футболчига топширилган?**
A) Андрей Шевченко
B) Павел Недвед
C) Тьери Анри
D) Луиш Фигу

# УМИД ЮЛДУЗЛАРИ



Озод юртимизнинг мард ва танти ўғил-қизлари жаҳон спорт майдонларида неча бор зафар қучиб, она Ватан байроғини сарбаланд этдилар. Қолаверса, ҳозирги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқларида минг-минглаб ёшлар спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланмоқда. Саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга ўз маҳоратларини ҳам тобора ошириб бораётган бу ёшлар спортимизнинг эртанги умид юлдузларидир.

Сардор Ширинбоев (суратда чапда) ҳам ана шундай умидли ёшлардан. У пойтахтимизнинг Ҳамза туманида истиқомат қилади. Мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга салкам етти йилдан бери «Азамат-Карим» каратэ спорт клуби машғулотларида мунтазам қатнашиб келади. Шаҳар ва республика миқёсидаги бир қанча мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган Сардор айни пайтда Туркияда бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Яна бир ёш каратэчи Суҳроб Тошқўзиев эса Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган шарқ яккакураш тўгараги машғулотларига қатнайди. 2 йилдан буён мураббийи Акмал Бобомуродовдан каратэ сирларини ўрганмоқда. Суҳроб яқинда устозлари ишончини оқлаб, республика чемпионатида кумуш медал соҳибига айланди.





ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 05.20

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 1 2 3 4 5 6